

"SUXRAB STAR TRADE HOUSE" МЧЖ бундан буён «Сотувчи» деб аталувчи номидан раҳбар С.Маматкулов бир томонидан А.А.Алиев, туркум раҳбарлари бундан буён «Харидор» деб аталувчи номидан А.А.Алиев харидор иккинчи томондан, қуйидаги тугрисида ушбу шартномани туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1. «Сотувчи» ушбу шартномага асосан «Харидор» узаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қиймат ошмаган суммадаги маҳсулотларини етказиб беради, «Харидор» етказиб берилган маҳсулотларни қабул қилиб олиб, тулов ҳужжатларини амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ расмийлаштирилиб, тулов ҳужжатларига асосан белгиланган тулов кетма-кетлигига риоя қилган ҳолда узининг харажатлар сметасида қузда тўтилган маблағлар доирасида белгиланган тартибда ҳудудий ҳисоб-рақамдан туловларни амалга оширади.

№	Маҳсулот номи	Улчов бирлиги	Миқдор	Нархи (сум)	Суммаси
1	Электрочайник	Дона	50	49 000	1 470 000
2	Термопот	Дона	50	290 000	14 500 000
3	Миксер	Дона	50	99 000	4 950 000
4	Печь микроволновая	Дона	20	840 000	16 800 000
	ЖАЪМИ				37 720 000

2. ШАРТНОМА БАХОСИ, МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 2.1. Мазкур шартноманинг умумий қиймати **37 720 000** (Уттиз етти миллион етти юз йигирма минг) сумни ташкил этади. Етказиб бериладиган маҳсулотларининг шартнома тузиш вақтидаги миқдори, нархи ва етказиб бериш муддати ушбу шартноманинг иловасида келтирилган.
- 2.2. «Харидор» 30 кун мобайнида олинган маҳсулотлари учун олинган 30% миқдорда аванс туловини «Сотувчи» рақамига утказиб беради.
- 2.3. «Сотувчи» тегишли даврда томонларнинг узаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорда ва муддатларда маҳсулот етказиб беради.
- 2.4. «Харидор» тақдим этган ҳужжатларга асосан узил-кесил ҳисоб-китобни узаро келишилган муддатларда «Сотувчи» рақамига пул утказиш йўли билан амалга оширади.
- 2.5. «Сотувчи» томонидан «Харидор»га мазкур шартноманинг умумий қийматидан ортиқ суммада маҳсулотлари етказиб бериш ҳолатларида, шартнома умумий суммасидан ортиқ қисми учун ҳақ туланмайди, томонларнинг узаро ёзма қушимча келишувига асосан етказиб берилган ҳолатлар бундан мустасно.

3. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИЛИШИ

- 3.1. Мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ, зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар уз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажари ҳисобланади.
- 3.2. «Харидор» томонидан талабномани маҳсулотларининг тегишли туркумларини етказиб беришнинг муҳалламан санасига қамда 3 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилди. Талабномани чопар орқали қабул қилган «Сотувчи»нинг ходими «Харидор»да қоладиган нусхага санани қуратган ҳолда у қабул қилинганлиги тугрисида белги қуяди.
- 3.3. «Харидор» илгари берилган талабномани бекор қилишга ёхуд маҳсулотларининг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақида «Сотувчи»ни талабномада қуратилган сана бошлангандан қамда 3 кун олдин амал қилади.
- 3.4. «Харидор» муддатлар бузилган ҳолда етказиб берилган маҳсулотларини қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.
- 3.5. «Харидор» «Сотувчи» томонидан маҳсулотлари уз вақтида етказиб берилмаган ёки сифатсиз маҳсулотлар етказиб берилган ҳолатларида шартномани «Сотувчи» ни ёзма хабардор қилган ҳолда бир томонлама бекор қилиш мумкин. Қолган ҳолатларда шартнома шартларига тегишли ўзгартиришлар томонларнинг узаро қушимча келишувларига мувофиқ киритилади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

«Сотувчи»нинг мажбуриятлари:

- 4.1. «Сотувчи» етказиб бериладиган маҳсулот сифатини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меъёрларга мувофиқ бўлишига ҳамда тегишли сифат сертификати ёки таҳлил (текшириш) баёнига эга бўлишини ва узаро келишилган миқдорда бўлишини таъминлайди.
- 4.2. «Харидор»га маҳсулотларини етказиб бериш вақтида тегишли сифат сертификат ёки таҳлил (текшириш) баёни нусха тақдим этади.
- 4.3. Маҳсулотларини қабул қилиб олиш вақтида аниқланган камчиликларни «Харидор» талабига мувофиқ 1 кунлик муддатда бартараф этади.

«Харидор»нинг мажбуриятлари:

- 4.4. Уз талабномаси бунича етказиб берилган маҳсулотларини мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиб олади;
4.5. Маҳсулотларини мазкур шартноманинг қушимча келишувларида қурсатилган нарх буйича белгиланган муддатларда узил-кесил ҳисоб-китобни амалга ошириш учун тегишли ҳужжатларни тақдим этади.

5. ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ

БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

- 5.1. Маҳсулотларини етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тулик етказиб берилмаган ҳолларда, «Сотувчи» «Харидор»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. пеняни тулаш "Сотувчи"ни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тулик етказиб бермаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.
5.2. Етказиб берилган маҳсулотлари ҳақини уз-вақтида туламаганлик учун «Харидор» «Сотувчи»га утказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, аммо кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортиқ булмаган миқдорда пеня тулайди.

6. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

- 6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қондага қура, мустакил равишда уларни судгача хал этиш чораларини курадилар.
6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

7. ФОРС-МАЖОР

- 7.1. Форс-мажор ҳолатлар, жумладан ер қимирлаши, сел келиши каби табиий офатлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан янги қонун ва қарорларни қабул қилиниши натижасида келиб чиқадиган ҳолатларда тарафлар мазкур шартнома ва қушимча келишувлар шартларини бажариш масъулиятини уз зиммаларига олмайдилар.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

- 8.1. Мазкур шартнома Газначилик бўлиmidан тасдиқлангандан сунг қучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.
8.2. Томонлар уртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тулик тугалланган тақдирда тухтатилади.

9. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

- 9.1. Мазкур шартнома 2-(икки) нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик қучга эгадир.

10. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

«СОТУВЧИ»

«SUXRAB STAR TRADE HOUSE» МЧЖ
Манзил: Чортоқ шаҳар Наманган МФЙ Янгиҳаёт
кучаси 24 уй
Банк: Микрокредитбанк Наманган филиали
Х/Р: 20208000205445402001
МФО: 00260
ИНН: 308930862
ОКОНХ: _____

Раҳбар: _____



Қўрсат. *С. Маматқуллова*

«ХАРИДОР»

Чортоқ туман Ҳокимлиги Ёшлар Жамағармаси
Манзил: Истиклол Хивбони 24 уй
Банк: Тошкент Марказий Банк
Х/Р: 305022860142367109601018001
МФО: 00014
ИНН: 201765735
ОКОНХ: 97200
Чортоқ тумани бўйича Газначилиги
х.р: 234020003001000001010
МФО: 00014 ИНН: 201722919

Раҳбар: _____



Қўрсат. *А. Отаходжаев*



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"SUXRAB STAR TRADE HOUSE" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyekting tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"SUXRAB STAR TRADE HOUSE" MChJ

(Yuridik shaxsning o'zgartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

05.10.2021

1047849

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

308930862

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Namangan viloyati, Chortoq tumani, Chortoq, NAMANGAN MFY
YANGIXAYOT KO' CHASI 24 UY,

Guvohnoma:

Namangan viloyati, Chortoq tumani, DAVLAT XIZMATLARI
MARKAZI

tomonidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

